



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Мургазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

| | |
|--|-----|
| Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари | 79 |
| Mohira Asqarboy qizi Umurova Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari | 83 |
| Ислом Исмоилович Эргашев Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари | 86 |
| Jahongir Aktamovich Haydarov Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish | 91 |
| ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ | |
| Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели | 97 |
| Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari | 102 |
| Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva Samarqand shahri turizm infratuzilmasini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni | 105 |
| Shohista Bobobekovna Toyirova Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim | 109 |
| Дилшод Мураткулович Абдураимов Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари | 113 |
| Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари | 118 |
| Дониёр Журакулович Абдуразаков Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили | 122 |
| Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash | 126 |
| Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари | 131 |
| Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш | 135 |
| Сирожиддин Шерали ўғли Халилов Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари | 140 |
| КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК | |
| Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиков Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари | 145 |
| МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ | |
| Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari | 149 |

qilish uchun barqaror turizm amaliyotiga e'tibor qaratish. Ushbu tavsiyalarni amalga oshirish orqali O'zbekistondagi mehmonxona biznesi o'sishda davom etishi va mamlakatda turizm, iqtisodiyotni rivojlantirish va ish o'rinlari yaratish uchun ko'proq imkoniyatlar yaratishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги «Туризм тўғрисида» ги Қонуни, № ЎРҚ-549.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 4-iyuldagi “O'zbekiston Respublikasiga xorijiy fuqarolarning kirishi tartibini optimallashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PQ-3836-son qarori.
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 05.06.2017-yildagi “Turoperator va mehmonxona xizmatlarini sertifikatlashtirish tartbi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida ” 355-sonli Qarori.
5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Oilaviy mehmon uylari faoliyatini tashkil etish to'g'risida”gi 631-son Qarori.
6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Mehmonxona sohasiga qo'shimcha investitsiyalarni jalb etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 661-son qarori,
7. Eshtayev A. “Turizm sohasida mehnat salohiyatidan oqilona foydalanishning marketing strategiyasi” “O'zbekiston mehnat salohiyati: hozirgi holati va undan foydalanish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti 2011-yil 20-dekabr
8. I.S.Tuxliyev, M.E.Po'latov, A.Sh.Berdimurodov. Turizm atamalarining izohli lug'ati, Samarqand 2021-y
9. X.M.Mamatqulov Mehmonxona va turistik komplekslarda xizmatlarni tashkil etish, Samarqand-2011y.

| | |
|---|---|
| <p>Д.Мардонова</p> <p>Анализ тенденций развития гостиничного бизнеса в нашей стране</p> <p>Аннотация: В данной статье представлено количество гостиниц в нашей стране, их удельный вес по регионам. На основании имеющихся данных спрогнозировано количество гостиниц на ближайшие годы. Кроме того, в статье выделены факторы, влияющие на развитие гостиничного бизнеса. Также в качестве заключения были разработаны научно-теоретические и практические рекомендации.</p> <p>Ключевые слова: гостиничный бизнес, тренд, прогнозирование, эффективность, рекламный сервис, гостиничная индустрия, международная сеть, турист, конкуренция, бутик-отели, хостелы.</p> | <p>D.Mardonova</p> <p>Analysis of trends in the development of the hotel business in our country</p> <p>Abstract: This article presents the number of hotels in our country, the share of hotels by regions. Based on the available data, the number of hotels is predicted for the coming years. In addition, the factors affecting the development of the hotel business are highlighted in the article. Also, as a conclusion, scientific-theoretical and practical recommendations were developed.</p> <p>Keywords: hotel business, trend, forecasting, efficiency, advertising service, hotel industry, international chain, tourist, competition, boutique hotels, hostels.</p> |
|---|---|

Амридин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов – “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети таянч докторанти

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

| |
|---|
| <p>Аннотация. Ушбу мақолада туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатишда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ва аҳамияти ёритиб берилган. Бундан ташқари рақамли технологиялар билан боғлиқ хизматлар самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари асослаб берилган.</p> <p>Калит сўзлар. Туризм, рақамли технология, юқори сифат, рақамли иқтисодиёт, туристик маҳсулот, хизмат кўрсатиш, виртуал, онлайн.</p> |
|---|

Кириш. Замонавий туризм янги рақамли технологияларини жорий этилиши билан улкан ўзгаришларга эга бўлди. Ҳар қандай фирмани туризм бозорида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилмасдан муваффақиятли фаолият кўрсатиши амалиётда мумкин эмаслиги яққол исботини топмоқда. Сўнги йиллар давомида технологияларнинг ривожланиши туристик хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан ўзгартирди.

Шу мақсадни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва худудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-162-сон Қарори [1] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳани ривожини учун ҳисса қўшишга хизмат қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда туризм соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологияларни қўллаш ушбу муҳим вазифани ижобий ҳал этишнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Сўнги йилларда республикада рақамли иқтисодиётга ўтиш ва рақамли технологияларни қўллаш борасида бир қатор илмий изланиш ва ишлар амалга оширилаётган бўлиб, уларни жорий қилиш турлича талқин қилинган ва таърифланган. Россиялик олимлар Н.Морозова ва М.Морозовнинг фикрига кўра, замонавий туризм саноати янги электрон технологияларнинг жорий этилиши билан катта ўзгаришларга эга бўлади. Турмаҳсулотни яратиш ва сотиш технологиясини хусусияти қисқа вақт ичида транспорт воситаларини эришиш ва туристларни жойлаштириш имкониятлари ҳақида маълумотларни тақдим этиш, жойларни тез бронлаштириш ва резервлашни таъминлаш, ҳамда сифатли туристик хизматларни тақдим этишда қўшимча вазифаларни ечишни автоматлаштиришни таъминлайдиган тизимларни яратишни талаб этади [2].

Туризм соҳасининг юқори сифатли хизмат кўрсатиш масалалари бўйича мамлакатимиз олимларидан К.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев А.А.Эшгаев, Б.Ш.Сафаров, А.Н.Норчаев, И.И.Аюбов ва Б.Қ.Жанзаковларнинг илмий тадқиқотлари туризм инфратузилмасини ривожлантиришда етакчи рол ўйнаши борасида мулоҳаза юритилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада индукция ва дедукция тизими ва мантикий таҳлил, юқори сифат ва хизмат кўрсатиш сифатини баҳоловчи миқдорий кўрсаткичларни қўллаган ҳолда мавзу бўйича тадқиқот олиб борилган.

Таҳлил ва натижалар. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегиясидаги мақсадлари натижасида туризм объектларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва туристларга максимал етказиш орқали туризм соҳасини ҳам келгуси йилларда сезиларли ривожлантириш кўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан, замонавий туризм соҳасида ахборот технологиялари самарали қўлланилиб хизмат кўрсатиш “ақлли” ёки “рақамли” технологиялар турмаҳсулотларнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Масалан, баъзи йирик тажрибали тур фирмалар вебсайтларида виртуал ассистентлар, онлайн бронлаш, виртуал тўлов хизматлари ва бошқаларсиз юқори сифатли туристик хизмат кўрсатишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, илмий тадқиқот натижасига кўра республикада туристларга қуйидаги юқори сифатли хизмат кўрсатиш даражасини кўрсаткичлар тизими асосида баҳолашни таклиф этамиз.

1-жадвал

Туризм соҳасида рақамли технология ресурсларидан фойдаланиш орқали юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш даражасини баҳоловчи миқдорий кўрсаткичлар¹.

| Кўрсаткичлар | Ҳисоблаш тартиби (формула) | Изоҳ |
|--|--|--|
| Меҳмонхоналарда люкс жойлар билан таъминланганлик даражаси | $M = \frac{B_{lux}}{B}$ <p>B_{lux}-люкс жойлар сони B-жами ўринлар сони</p> | Люкс ва биринчи класс туристлар учун инфратузилма мавжудлигини ўлчайди |
| Ресторанларнинг жами умумий овқатланиш | $L = \frac{D_{rest}}{D}$ | Люкс ва биринчи класс туристлар учун |

¹ Муаллиф ишланмаси

| | | |
|--|---|---|
| корхоналарига нисбати | D_{rest} -ресторанлар сони D -жами умумий овқатланиш корхоналари сони | инфратузилма билан таъминганлигини ўлчайди |
| Буюртма бўйича транспорт люкс хизматларининг жами такси хизматларига нисбати | $E = \frac{K_{lux}}{K}$ K_{lux} -люкс такси хизматлари сони K -жами такси хизматлари сони | Люкс ва биринчи класс туристлар учун инфратузилма мавжудлигини ўлчайди |
| Қайта ташриф буюрган туристларнинг жами туристлар сонига нисбати | $Q = \frac{T_{qayta}}{T}$ T_{qayta} -қайта ташриф буюрган туристлар сони T -жами туристлар сони | Туристтик дестинациянинг қайта ташриф буюриш жозибadorлигини белгилайди |
| Юқори сифатли туристик хизмат кўрсатишнинг рақамлаштирилганлик даражаси | | |
| Меҳмонхоналарда онлайн брон қилишнинг йўлга қўйилганлиги- R_1 | $R_1 = 0$ -рақамли технология қатнашмаган, $R_1 = 1$ -рақамли технология қатнашган | Рақамли технологияларни жорий қилганлигини билдиради. |
| Ресторанларда онлайн брон қилишнинг йўлга қўйилганлиги- R_2 | $R_2 = 0$ -рақамли технология қатнашмаган, $R_2 = 1$ -рақамли технология қатнашган | Рақамли технологияларни жорий қилганлигини билдиради. |
| Транспорт хизматларида онлайн бронлашнинг йўлга қўйилганлиги- R_3 | $R_3 = 0$ -рақамли технология қатнашмаган, $R_3 = 1$ -рақамли технология қатнашган | Рақамли технологияларни жорий қилганлигини акс эттиради. |
| Қўшимча хизматлар (сауна, бассейн, спорт зал ва бошқалар)да онлайн бронлашнинг йўлга қўйилганлиги- R_4 | $R_4 = 0$ -рақамли технология қатнашмаган, $R_4 = 1$ -рақамли технология қатнашган | Рақамли технологияларни жорий қилганлигини акс эттиради. |

Туризм соҳасида юқоридаги кўрсаткичлар ёрдамида рақамли технологиялар воситасида туристик хизмат кўрсатиш сифатлилик даражасини осонгина аниқлаш мумкин. Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида юқори сифатли туристик хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун рақамли технологияларни жорий этиш жуда муҳим ва зарурий шарт ҳисобланади. Биз ушбу фактдан келиб чиқиб, рақамли технологиялар воситасида юқори сифатли хизмат кўрсатишга талаб ва таклиф мувозанатини қуйидагича ифодаладик:

$$B_{lux} * A_{lux} = B_m * C_m * A_m * R_1 + D_{rest} * C_r * A_r * R_2 + K_{lux} * C_t * A_t * R_3 + B_q * C_q * A_q * R_4$$

Бу ерда A_{lux} – юқори сифатли туристик хизматлар ўртача нархи;

A_m – 3-4-5 юлдузли меҳмонхоналарда люкс хона учун ўртача нарх;

A_r – ресторанларда бир марта овқатланиш ўртача нархи;

A_t – чақирув бўйича транспорт хизматларининг ўртача нархи;

A_q – қўшимча хизматларнинг ўртача нархи;

$R_{1,2,3,4}$ – рақамлаштирилганлик даражаси;

B_{lux} – люкс-класс туристлар сони;

B_m – жами меҳмонхоналар сони;

B_q – қўшимча хизматлар сони;

M_{rest} – ресторанлар сони;

K_{lux} – чақирув бўйича транспорт хизматлари сони;

$C_{m,r,t,q}$ – тегишли хизматдан фойдаланган туристлар сони.

Агар (1) тенгламанинг ўнг тарафи нолдан катта бўлса, яъни барча хизматларда онлайн бронлаш каби рақамли технология элементлари мавжуд бўлса, юқори сифатли туристик хизматларга талаб мавжуд бўлади ва қайта ташриф буюрувчи туристлар сони – $T_{qayta} > 0$ бўлади. Юқоридаги (1) тенгламанинг чап тарафи юқори сифатли туристик хизматларга талаб даражасини ўнг томони эса таклиф даражасини акс эттиради. Ушбу тенглама орқали маълум туристик ҳудудда юқори сифатли туристик хизматларга бўлган талаб ва таклифни баҳолаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, (1) тенглама фақат люкс класс туристлар талабини акс эттиради. Ваҳоланки, тенгламанинг чап томонига бошқа тоифадаги туристлар бўйича маълумотлар киритилса, умумий талаб ва таклиф формуласи келиб чиқади. Инновацион хизмат турларини яратиш учун қулай муҳит шакллантирилгач, бу туристик хизмат сифатини ошишига олиб келади. Юқори сифатли туристик хизматлар меҳмонхоналар, турфирмалар, транспорт ва овқатлантириш хизматларини кўрсатувчи туристик ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Юқори сифатли хизмат эса туристларга янги тажриба улашишни таъминлаб беради [3].

Юқори сифатли туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда малакали кадрларни етиштириш, туристик корхоналарда мавсумийликнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишда консалтинг хизматларини жорий этиш, туристик хизматлар интеграциясини кучайтириш учун қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади [4]. Юқори сифатли туристик хизматларга талаб, авваламбор, кировчи туристлар сонининг ўсишига боғлиқ. Чунки айнан кировчи туристлар оқими туристик корхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга мажбур қилади [5].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, рақамли технологиялар миллий туризм корхоналаримиз ўртасида рақобатбардошликни ошириш, истиқболда корхона ишчи-ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва дастурий-техник воситаларга қилинаётган харажатларни камайтириш, туристик корхона мижозларига замонавий рақамли хизматларини таклиф этиш ва мавжудларини ўз мижозлари талаблари асосида такомиллаштириш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, ҳамда турли моддий кўринишдаги рағбатлантиришларни амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш беради.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш воситасида юқори сифатли хизматлар билан таъминлаш қуйидагиларга боғлиқ:

➤ Тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш. Олиб кириладиган телекоммуникация ускуналари ва “Smart” қурилмаларини шунингдек бошқа шу каби янги технологияларни божхона тўловларидан озод этиш;

➤ Жалб қилинадиган чет эл кредитлари бўйича давлат кафолатини бериш чоралари кўрилиши муҳим саналади;

➤ Туристларнинг яшаш ҳудудларида ва кўнгилочар машғулотлари билан шуғулланишлари учун интернет провайдерларининг мавжудлиги, муҳит қулай, тоза ва асосийси хавфсиз бўлиши лозим;

Юқоридаги омиллар ўзаро боғланган бўлиб, рақамли сифатли хизмат турларини яратиш учун қулай муҳитни шакллантиради. Бу муҳитни яратиш ва сақлаб туриш амалда йирик инвестиция ва инновацияларни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-162-сон Қарори.
2. Н. Морозова, М. Морозов, Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016 год. стр.7
3. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Докторлик диссертация автореферати-С, 2019; 120 б.;

4. Сафаров Б.Ш. “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик услубий асосларини такомиллаштириш” докторлик диссертацияси, 18-бет
5. Жанзаков Б.К. Факторы влияющие на развитие въездного туризма Узбекистана. Сервис илмий амалий журнал. (2019). 97-101 бетлар.

| | |
|---|---|
| <p>А.Хамдамов</p> <p>Методические основы оценки использования цифровых технологий для предоставления качественных услуг в сфере туризма</p> <p>Аннотация: В данной статье освещается важность и эффективное использование цифровых технологий в предоставлении качественных услуг в сфере туризма. Кроме того, обоснована методологическая основа оценки эффективности услуг, связанных с цифровыми технологиями.</p> <p>Ключевые слова: туризм, цифровые технологии, высокое качество, цифровая экономика, туристический продукт, сервис, виртуальный, онлайн.</p> | <p>A.Hamdamov</p> <p>Methodological basis of assessing the use of digital technologies for the provision of high-quality services in the field of tourism</p> <p>Abstract: This article highlights the importance and effective use of digital technologies in providing high-quality service in the tourism sector. In addition, the methodological basis for evaluating the effectiveness of services related to digital technologies is justified.</p> <p>Keywords: tourism, digital technology, high quality, digital economy, tourist product, service, virtual, online.</p> |
|---|---|

Зебинисо Бахтиёрвна Навруз-зода – Бухоро давлат университети доценти, и.ф.ф.д (PhD)

КРІ ВОСИТАСИДА МУҚАДДАС ЖОЙЛАРНИНГ ЗИЁРАТ КЛАСТЕРБОПЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

| |
|--|
| <p>Аннотация: Мақолада “муқаддас жойларнинг” зиёрат кластербоплик даражасини “КРІ” воситасида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Бу мезонлар асосида муқаддас жойларнинг реал зиёрат кластербоплигини муаллифлик усулида тўртта: “муқаддас маскан”; “диққатга сазовор муқаддас жой”; “жозибador зиёрат худуди” ва “кластербоп зиёратгоҳ” сифат даражалари аниқланган.</p> <p>Калит сўзлар: КРІ, зиёрат туризми, муқаддас жойлар, кластер, зиёрат кластербоплик, диққатга сазовор муқаддас жой, жозибador зиёрат худуди, кластербоп зиёратгоҳ.</p> |
|--|

Кириш. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-моддасида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган [1]. Ушбу стратегик вазифани муваффақият билан бажаришда мамлакатимизда зиёрат туризмининг жадал ривожлантириш ва унинг объекти сифатида муқаддас жойларнинг зиёрат қилишга яроқлилиги ёхуд зиёратбоплигини оширишга қаратилган самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқилиши тақозо этади.

Муқаддас қадамжойлар қанча зиёратбоп бўлса, зиёратчилар сони шунча ошиб боради. Агар-да, зиёрат туризмининг кластер ёндашувида ташкиллаштириш механизмларини ишга солинса, муқаддас жойлар томон зиёратчилар оқими барқарорлаштириш имкони вужудга келади. Шунинг учун муқаддас жойларнинг зиёрат қилишга яроқлилигини ифодаладиган зиёратгоҳларнинг кластербоплигини аниқлаш асосида зиёрат туризмининг кластер усулида ривожлантиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Гарвард университетининг бизнес мактаби профессори Майкл Портер биринчи бўлиб “кластер” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этиб, унга “бу маълум бир соҳада ўзаро боғлиқ компаниялар ва муассасаларнинг географик концентрацияси” [2] деб, ўз таърифини берган. Рус олими О.В. Лыскова кластерни тор маънода – “минтақавий туристик-рекреацион тизим сифатида” [3], О.Н.Петрова эса туристик кластерни кенг маънода - “худуднинг манфаатларини, мустақиллигини, рақобатбардошлигини ва барқарор ривожланишини кучайтиришга йўнал-

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023